



Ганий ким?

“Ганий” ўзбек тилида бой, беҳожат каби маъноларни билдиради. “Ганий” калимаси Куръони Каримнинг 18 жойида ворид бўлган.

Аллох таоло айтади:

□□□□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□

“Ва Роббинг беҳожат ва раҳмат соҳиби бўлган Зотдир” (Анъом сураси, 133-оят).

Яна бошка оятда шундай марҳамат килади:

□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□□ □□□□□□□□

“Эй одамлар! Сизлар Аллохга муҳтождирсиз. Аллох эса Ўзи беҳожат ва макталган Зотдир

”
(
Фотир сураси, 15-оят
).

Аллох таборак ва таоло Ўз Зотида ганий (бой)дир. Унинг бойлиги ҳар томонлама мутлоқдир.

У Ўз камолида ҳам, сифатларида ҳам бой бўлиб, ҳеч қайси жихатдан нуксони йўқ.

Бойлигининг камоли шу даражадаки, обидларнинг тоати Унга манфаат бермайди, осийларнинг маъсияти Унга зарар келтирмайди.

Агар бутун ер юзи жам бўлиб иймонга келса, Унинг мулкига бирор нарсани зиёда қилмайди.

Агар бутун ер юзи жам бўлиб қуфр келтирса, Унинг мулкидан бирор нарсани нуксонга учратмайди.

Ким Роббисини ана шу улуг сифат билан таниса, ўзини танибди.

Ким Роббисини мутлок ганий деб таниса, ўзининг мутлок факир эканини билади.

Ким Роббисининг мутлок кудрат эгаси эканини билса, ўзининг мутлок ожиз эканини англайди.

Ким Роббисини мутлок иззат сохиби деб билса, ўзининг мутлок ночор ва гариб эканини хис килади.

Ким Роббисининг мутлок илм ва хикмат сохиби эканини билса, ўзининг илмсиз, жохил эканини тушуниб етади.

Ана шу маърифатнинг самараси ўларок, банда доим Аллохга факир ва хожатманд эканини билса, у дунё-ю охиратдаги бахт хамда нажот калитини кўлга киритибди.

Араб тилидан Абу Абдулкодир таржимаси.